## РАШК ЎТИ

Нафс васвасасини муҳаббат деб ўйлаган, ўз ширин турмушини ҳою-ҳавасли ҳаётга алмаштирган, рашк ўти туфайли ақлу ҳушини йўқотган ва икки инсоннинг умрига завол бўлган «қаҳрамон»имиз суд ҳукми билан 20 йилга кесилди.

**2-бет**

## УРАН ЗАМОНИ БОШЛАНДИ

**Буни ҳал қилиш учун инсоният қаршисида икки йўл бор: биз ё энергия истеъмоли ва энергия самарадорлигининг янги даражасига чиқишимиз лозим ёки энергия истеъмолини тобора тежаш йўлига ўтишимиз керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам энергия муаммоси оқибати ўлароқ, жаҳонда ресурслар учун якуни йўқ курашлар бошланади.**

**3-бет**

## ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

уни нодавлат ТВ ва радиолар ҳам эшиттирса бўлмайдими?

***Қўшиққа бўлган муносабатлари орқали маънавий қадриятларимизни эмас, балки қонунларимизни ҳам топтаётган оммавий ахборот воситалари бор. Фаолиятини бошлагандан буён баъзи хусусий телеканаллар, кабель каналлари, радиоканалларнинг ҳаммаси ҳам мамлакатимизнинг бош қўшиғи — Давлат мадҳиясини бир маротаба бўлсин эфирга узатишган, деб ўйлайсизми?***

**4-бет**



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 21 (483) 2006-yil 7-iyun



**«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади**

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

*Нашр кўрсаткичи — 233*


**Тадбир**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида**



## ЭЛЕКТРОН ОАВ

### *парламент фаолиятини ёритишда қандай ўрин тутади?*

Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантиришда электрон ОАВнинг ўрни" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Депутатлар, сенаторлар, сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирокида ўтган тадбир ташкилотчиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси бўлди.

Ҳозирда телевидение ва радио оммавий ахборот воситалари орасида тезкорлиги, таъсирчанлиги ва юқори техник имкониятлари билан етакчи ўрин эгаллайди. Қолаверса, сўнгги пайтларда журналистикамиз учун мутлақо янги соҳа бўлган Интернет нашрлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Семинарда имкониятлари кун сайин кенгайиб бораётган мазкур ОАВ билан парламент ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласи муҳокама марказида бўлди. Мамлакатимиз парламенти фаолиятининг миллий телерадиокомпания тизимларида, нодавлат электрон ОАВ ҳамда Интернет нашрларида ёритилиши бўйича қилинган маърузаларда бугунги кунда қонун чиқарувчи идорамизнинг жамоатчилик билан алоқаларини янада кучайтириш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги таҳлил этилди.

Айни пайтда мамлакимизда 51 та телестудия (улардан 27 таси — давлат ихтиёрида, 24 таси — нодавлат) ва 14 та радиостудия (1 та — давлат, 13 та — нодавлат) фаолият олиб бормоқда. Табиийки, ахборотни кенг оммага тезкорлик билан етказишда катта имкониятларга эга бўлган мазкур электрон ОАВ қонунчилик идорасининг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Бу фикрни "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази ўтказган тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда. Республика миқёсида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг ўртача 92,8 фоизи парламент фаолияти тўғрисидаги маълумотларни телеканаллардан, 32 фоиздан ошиқроғи радиоканаллардан ва 25 фоизи матбуот нашрларидан олар экан.

Очиқ мулоқот ва баҳс-мунозара руҳида ўтган семинар давомида иштирокчилар томонидан парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси фаолиятини ёритиш борасида электрон ОАВга мунозара тарзидаги таҳлилий кўрсатув-эшиттиришларни кўпайтириш, "Депутат билан юзма-юз" рукнини ташкил этиш, вилоят телевидениеларида парламент фаолиятига бағишланган дастурларни кучайтириш каби таклифлар билдирилди. Шунингдек, парламентнинг назорат-таҳлил функциясини амалга оширувида ва қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида телерадиоканаллар имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

**МУХБИРИМИЗ**

## АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

### *Авлодлар олдидаги қарз*

"Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ва маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кириш, олиб кетиш ва уларга эгалик ҳуқуқини ўзга шахсга беришни ман этиш ҳамда уларнинг олдини олишга оид халқаро нормаларни имплементация қилишнинг долзарб жиҳатлари".

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шундай номланди. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда ЕИКнинг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" лойиҳаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги маданий меросни муҳофаза қилиш амалиёти таҳлил қилинди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов "Маданий мерос муҳофазасида ЮНЕСКОнинг ўрни" мавзусида нутқ сўзлади. Иштирокчиларга мазкур халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган тегишли конвенциялар ҳақида батафсил маълумот берди. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғининг билдирган мулоҳазалари баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Равшанбек Мансуров, жумладан шундай дейди:

— Қонунларимизда маданий меросни муҳофаза қилиш борасида баъзи бир ҳуқуқлар бир неча ташкилотларга берилган. Бу эса амалиётда турли англашилмовчиликларни келтириб чиқараётир. Тарихий объектларни тартибсиз равишда тадқиқ этиш, мутахассислар фикри билан ҳисоблашмаган ҳолда таъмирлаш ишларини олиб бориш каби ҳаракатларга йўл очиб бермоқда. Бунинг оқибатида баъзи ёдгорликларнинг тарихий ва маданий аҳамиятига путур етаяпти. Қонунчилигимизда ҳар бир ташкилотнинг бу борадаги вазифалари ва ваколатлари аниқлаштирилиши лозим.

Сайдулла Қўчқоров ўзи хизмат қилаётган "Ташкент-Аэро" ихтисослашган божхона мажмуаси фаолиятида мавзуга доир қилинган ишлар ҳақида ахборот берди ва амалиётда учрайдиган муаммолар, уларнинг мавжуд қонунларга боғлиқ жиҳатларига алоҳида тўхталди.

Шу каби бир қатор мутахассислар ва масъул шахсларнинг маърузаларидан сўнг навбат баҳс-мунозарага берилди.

— Давра суҳбатимиз самарали ўтди, — дейди якуний сўзида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев, — Ўттиз олтита аниқ таклиф ва тавсиялар киритилди. Республикамизнинг бир неча халқаро конвенцияларга қўшилиши лозимлиги тўғрисида таклифлар билдирилди.

**Фаррух ЖАББОРОВ**

**Акс-садо**

***Қўлимга "Ҳуррият" газетасининг 4 май сони тушиб қолди, тўғрироғи, "Жуда зўр мақола босилибди, ўқидингизми?", деди ўртоғим.***

***Топиб ўқидим, йиғлаб ўқидим. Педагогика фанлари доктори, профессор Санобар Нишонованинг «Мен онамни соғиндим" деб номланган мақолаларини ўқир эканман, юрагимда кун кўрмай ўтиб кетган момоларимиз учун армон, болаларим ва талабаларим учун чуқур масъулият, миллатимнинг тинч ва фаровон турмуши учун кураш, шунинг билан бирга Ватан озодлиги йўлида ўзини қурбон қилган ота-боболарим, сабр-тоқатли, меҳнаткаш бувижонларимга нисбатан миллий ифтихор туйғуси жўш уриб кетди.***

## ИФТИХОР БИЛАН ЯША...

"Оналикнинг қадрини она бўлганлар билади", деган нақл яна бир бор ота-боболаримизнинг ҳаёт тажрибасидан, чуқур мулоҳазасидан дарак беради. Тўрт қизимнинг тақдири, талабаларимнинг эртанги куни мени жуда ўйлантиради, уларнинг ҳам Санобар опа таъриф қилган аёллар сингари бардошли, матонатли, меҳнаткаш, элининг кунига ярайдиган фарзандлар бўлишларини хоҳлайман.

Мутахассислигим туфайлими ёки айнан ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга оид илмий изланишлар олиб бораётганлигим сабабидан тарихий ёдгорликлар, ҳайкаллар, мустақиллик йилларида қад кўтарган янги бинолар, сайилгоҳлар, ўқув муассасаларини томоша қилар эканман, кўпроқ ёшларни кузатаман.

Қалбида фахр туйғуси жўш ураётган, миллий-маданий меросимизга ҳурмат билан қарайдиган қанчадан қанча маблағ ва оғир меҳнатлар эвазига қад кўтараётган ўзгаришларнинг қадрига етадиган, буларнинг "Ким учун, кимлар томонидан ва нималар эвазига?" яратилаётганини чуқур ўйлаб, бунга жавобан "Мен нима қилишим керак?" дейдиган ёшларни кўпроқ кўргим келади, уларни излайман... Афсуски, кам учратаман.

Шу ўринда савол туғилади! Хўш, мен ўқиб таъсирланган мақола ёки шунга ўхшаш ҳозирги кунда олимларимиз томонидан айнан ёшларда Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, юрт билан фахрланиш туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган бошқа мақолалар қайси билим муассасасида ўқиб таҳлил қилинди ёки ўқувчиларга ўқиш учун тавсия этилди? Мактабларда ўқувчилар, олийгоҳларда талабалар ниҳоятда банд эканликларини яхши тушунамиз, аммо ўзлигини англаган, "Ким эдим ва ким бўлдим?" деган саволга жавоб бера олган, миллий ифтихор ҳиссини туйган тарбияланувчигина юртнинг эртаси учун жонкуярлик қилиши, миллатининг тақдирига бефарқ бўлмаслиги сир эмас-ку ахир.

Масаланинг иккинчи, энг муҳим томони! Ёшларимиз кимга эргашсинлар? Албатта, ёшлар ҳар хил. Бугунги кунда спорт соҳасида ютуқларга эришаётган, билимларининг орқасидан халқаро кўрикларда имтиёзли ўринлар эгаллаётган, аниқ мақсадлар сари интилиб, билим олиб, хайрли ишларга бош бўлаётган, ота-онасига раҳматлар олиб келаётган ёки бўлмасам отасининг пулига ҳар хил машиналар минаётган, дарсдан ва ота-онадан кечиб интернет-кафелардан чиқмайдиган ёки бир амаллаб юртидан хорижга чиқиб олиб, на ота-онасини, на Ватанини ўйлаб, пул топиш йўлига кириб кетган мақсадсиз ёшлар кўп.

Педагогик тажрибадан ва инсон психологиясидан шу нарса аёнки, ёшларнинг тарбиясида ўзи яшаётган муҳитнинг таъсири жуда кучли бўлади, умуман, одамзод ўзи ҳавас қилган, интилган кишисига эргашади, унга тақлид қилади. Ҳозирги ёшларимиз кўпроқ ҳар кун ҳар хил

***«Hurriyat»ни ўқиб...***

кийимда ўзини намойиш қиладиган, турли-турли машиналар алмаштирадиган, кошоналарда яшайдиган эстрада юлдузларига, артистларга ҳавас қилишади. Уларнинг ярим яланғоч кийимларию, ўзбек тилида иккита сўзни қўша олмасдан ҳар хил унвонлар олишлари, катта-катта пул топишлари ҳар хил таъсир қилмоқда фарзандларимизга. Ҳақиқий илм аҳллари, билимдон кишилар ҳеч қачон бой бўлишмаган, уларнинг меҳнати ҳам жуда оғир.

Кейинги савол туғилади. Телевидение орқали халқ учун бирор нафи тегмаган, пулдорларнинг тўйларида юриб пулга кўмилаётган, "ўзимнинг қорним тўқ, бошқа билан нима ишим бор?" қабилида иш тутаётган ҳофизларнинг ҳар бир шаҳарда қурилган кошоналарию, машиналари, ҳаттоки киядиган кийимигача мақтаётган, давлатнинг маошини олиб, ҳалол меҳнат кечираётган инсонлар ва уларнинг етар-етмасда ўсаётган фарзандларининг ғашига тегадиган журналистларнинг мақсади нима ўзи?

***(Давоми 2-бетда).***




Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

**Аҳвол**

## АХЛАТ "ТОҒ"И

### *узоқда эмас, шундоқ шаҳар ичида жойлашган*

Ё, алҳазар! Андижон шаҳар бўлса, унда "тоғ" нима қилади дерсиз? Эътибор қилсангиз, гап Бўстон даҳасидаги рухсат этилмаган ахлатхона хусусида бораётир. Йигирма йилдан ошди. Бу жойда шаҳар айланма йўли қурилиши учун тупроқ ва шағал ковлаб олинганди. Кейин ташландиқ аҳволда қолганди. Шу-шу ахлат ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари шаҳардан ахлат ташиб чиқишади. Улар ҳозир ҳам "фурсат"дан фойдаланиб қолишяпти. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дегани рост экан. Аслида Андижон шаҳридаги ахлатларни Маданиятдаги махсус масканга ташиб кетишлари лозим. Бироқ оралиқ масофа 32 километр. Ахлат ташувчи транспорт воситалари эгаларининг ақли жойида. Улар яқин орадаги масофани, масканни танлашади-да!

Бугунги кунда ахлат "тоғ"и тобора ўсиб, каттариб кетяпти. Ҳатто "Бўстон Харабек" асфальт йўлини ҳам тўсиб қўйди. Мана уч йилдирки, мазкур равон ва асфальт йўлдан нафақат одам, ҳатто автотранспорт воситаси ҳам ўтолмай қолди. Бироқ шу жойдаги ўта хунук манзарани кузатиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Қаранг, уч-тўрт жойда лўлилар капа тикиб, "тирикчилик" билан машғул. Улар ҳар-ҳар жойда бозорбоп "маҳсулот" тўплашган. Қоп-қоп темир-терсак, латта-путта, пластмасса полиэтилен плёнка, маклатура, эски-туски кийим-кечак йиғишган. Аммо улар эшаги юрмаганидан дарғазаб эди. Лўли йигит эшагини қанча калтакламасин, зўрламасин "ақл"-ли жонивор эгасининг кўрсатмасини бажармаяпти. Назаримизда ахлат ташлаб кетаётган инсонлар қилимишидан гўёки эшак ҳам нафратланаётгандек ҳанграб, бошини олиб қочяпти. Тўғри-да, у пашшага талансинми, сассиқдан димоғи ёрилсинми? Ёки бирор бир касаллик орттириб, атроф-муҳитга тарқатсинми? Йўқ, албатта! Биз бундай оғриқни эшакка ҳам раво кўрмаймиз.

Энг ёмони, ахлатхонага атиги бир қадам жойда тоза ичимлик сув таъминоти идорасининг ҳовузи бор. Пашша, чивин кўпайиб, ҳовуз заҳарланса, касаллик тарқаса, шаҳарга юборилаётган ичимлик сувининг таркиби нима бўлади? Шу ерда ҳарбий қисм жойлашган. Ҳар йили аскарлар пашша-чивин чақишидан шикоят қилишади. Бу шикоят Мудофаа вазирлигига ҳам етиб боради. Ҳатто Мудофаа вазирлигининг санитария эпидемиология назорати маркази бошлиғи, бош санитар врачи А. Хушвақтов томонидан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика бош давлат санитар врачи номига ёрдам кўрсатилиши ифодаланган телеграмма берилган. Орадан икки йил ўтди. Ҳамон муаммо бартараф қилингани йўқ. На шаҳар, на вилоят коммунал хўжалиги, на соғлиқни сақлаш идораси мутасаддилари воқеа жойига келиб ҳолатни ўрганишмайди. Нима, шаҳар бедарвозами? Мутахассисларнинг айтишича, бу ердаги ахлат "тоғ"ини 2 та "Т-130" русумли занжирли бульдозер куну тун ўн кун суриши керак. Шундагина тўкилган ахлат зарарсизлантирилиши мумкин. Устига тупроқ тортилиши керак. Яна муаммо шундан иборатки, бу ахлатхона Андижон шаҳридан бироз баландликда, Бўстон даҳасидаги турар-жой масканига жуда-жуда яқин жойлашган. Бу ердаги чивин, пашша ва сассиқ ҳид бутун шаҳарга тарқалаяпти. Худо сақласин, бирор бир эпидемия чиқмасин. Қолаверса, 20 йилдан ортибдики, салкам беш гектарлик тоза тупроқ усти ахлатга босилиб ётибди. Ернинг уволи тутмайдими? Сув бўлса, бор. Бу тупроқдан зар ундирса арзийди.

Андижон шаҳрида кенг кўламда ободонлаштириш, санитария тозалаш ишлари амалга ошириляпти. Аммо тўпланган ахлатлар ўғриликча шу жойга олиб келиб ташланяпти. Кузатувчиларнинг фикрича, шаҳардаги бозорлар, касалхоналар, маҳаллалардан ўзбошимчалик билан ахлат келтираётирлар. Ваҳоланки, бу чиқиндиларнинг хавфлилик даражаси юқори.

Шаҳардаги барча ташкилот, корхона ва аҳоли истиқомат масканлари иш юритувчилари "Андижон шаҳар санитар тозалов автокорхонаси" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузиши лозим. Бу автокорхона жамоаси эса ахлатни Маданиятдаги махсус масканга олиб бориб ташлайди. Бизнинг ўрганишимизча, мазкур автокорхона фаолияти ҳам ёмон. Демак, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари бош-қош бўлмагунча вазиятни ўнглаб бўлмайди. Чунки шаҳар ҳокимлиги ҳам Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил апрель ойидаги "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунини тўлақонли бажарилишини таъминлаши шарт. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бузилиши, экологик ҳолатнинг ёмонлашаётгани кечириб бўлмас айбдир. Фурсатнинг борида ахлатдан тозаланмоқ даркор. Зеро, бебошлик инсонлар саломатлигига путур етказмасин-да!

**Сафарали АБДУРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

**Семинар**

## ЯНГИ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

### *"Микрокредитбанк" ўз фаолиятини шакллантиришга киришди*

Тошкентда "Микрокредитбанк" томонидан "Микромолиялаштириш хизматлари" мавзусида махсус семинар ўтказилди. Тадбирда мазкур банк тизимида хизмат қилувчи ёш мутахассисларга кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ишлаш, миникредит бериш амалиёти бўйича машғулотлар олиб борилди. Семинарда, шунингдек, Банклар ассоциацияси, Банк-молия академияси ва Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Президентининг жорий йил 5 майдаги фармони билан "Тадбиркорбанк" негизида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига асос солинган эди. Фармонга кўра, янги ташкил этилган молия институти олдига кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги консалтинг хизматлари кўрсатиш вазифаси юкланган.

Семинарда иштирок этган "Микрокредитбанк" раиси Жамшид Сайфиддинов айни пайтда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини шакллантириш йўлида тиғиз иш кетаётганини маълум қилди.

Сир эмас, мамлакатимиз аҳолисининг деярли 60 фоизини ёшлар, яъни меҳнатга лаёқатли гуруҳ ташкил этади. Бунинг устига юртимиздаги демографик кўпайиш суръати МДҲ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эга. Буларнинг бари аҳолининг ёш қатламини иш билан таъминлаш масаласи бугунги кунда ғоят муҳим эканини кўрсатмоқда. Янги ном, буткул янги тартиб билан ишлай бошлаган "Микрокредитбанк" мазкур муаммо ечимида муҳим ўринга эга бўлса, ажаб эмас. Сабаби, ушбу молия муассасаси ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи, уларни микрокредитлар билан таъминловчи ягона ихтисослашган банк саналади. Кичик ва ўрта бизнес гуруҳи эса ҳозирги шароитда меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлашда энг асосий манба бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" олдига кредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан кичик фирмалар, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, қишлоқ жойларида тадбиркорларга хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар тизимини шакллантириш каби вазифалар ҳам қўйилганки, бу молия муассасаси зиммасидаги масъулият залворли эканидан далолатдир.

Ҳар қандай янги институтни шакллантириш жараёнида энг аввало кадрлар масаласи биринчи планга чиқиши сир эмас. Шу боис ҳам, "Микрокредитбанк" раҳбарияти белгиланган юксак мақсад-марраларни забт этиш учун биринчи навбатда малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Икки кун давомида ўтказилган ўқув семинар ана шу йўлдаги тадбирлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Тадбир сўнгида иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

**С. САЛИМ**

**Кино**

***"Насриддин Бухорода" бадиий фильмини кино мухлислари яхши эслашади. Миллий кинонинг нодир намуналаридан бўлган ушбу фильмда Хўжа Насриддиннинг қадим шаҳардаги ғаройиб саргузаштлари тасвирланади. Ўзбек киноижодкорлари яна бир бор хушчақчақ ва кулгисевар қаҳрамонни Бухорои шарифга саёҳатга чорлашди. Демак, Хўжа Насриддин яна Бухорода...***

## НАСРИДДИН ЯНА БУХОРОДА

Яқиндагина суратга олиш жараёни якунланган фильм "Хўжа Насриддин: ўйин бошланади" деб номланади. Саргузашт комедия жанрида тасвирга туширилган бадиий фильмда Мэлс Абзалов, Мурод Ражабов каби профессионаллар билан бирга Бахтиёр Зокиров, Сўғдиёна, Жавоҳир Зокиров, Дилшодбек Каттабеков сингари ёш иқтидорлар ҳам иштирок этишган.

Киноасар Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси кўмагида "Panterra-cinema" билан ҳамкорликда тасвирга олинган.

Фильмда Шарқнинг машҳур қаҳрамони Хўжа Насриддин образи янги талқинда тасвирланади. Ёш ва навқирон Насриддин узоқ сафардан уйига қайтади ҳамда маҳбубаси Ясминни подшоҳ саройига олиб кетишганидан хабар топади. Киноасарда сюжет тугуни айни шу нуқтада юзага келади. Хўш, ҳар қандай оғир ҳолатдан зукколик ва топқирлик билан чиқиб кета оладиган Насриддин бу вазиятда қандай ақлли йўл тутади? Фильмни томоша қилиш жараёнида мухлислар бош қаҳрамоннннинг ўзга сайёрадан ташриф буюрган меҳмон (Зувиракс) билан бирга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳунарлар кўрсатишига гувоҳ бўладилар.

Ноанъанавий мусиқа, самимий юмор, ўткир мулоқот, ранг-баранг қаҳрамонлар ва фантастик эпизодлар — буларнинг бари "Хўжа Насриддин: ўйин бошланади" фильмида.

Ҳали зукко мухлислар томоша қилиб улгурмаган фильмни кўкка кўтариш фикридан йироқмиз. Кино ихлосмандлари Насриддиндек тарихий қаҳрамонни замонавий талқинда тасвирлаш йўлидаги ижодий уриниш нечоғли муваффақият қозонганини фильм тақдимотидан сўнг билиб олишлари мумкин. Киноасар премьераси 25 июнь куни ўтказилади.

**МУХБИРИМИЗ**

## Дараклар

### ҲУМАНАИЙ АҚШни ОГОҲЛАНТИРАДИ

***Эрон диний раҳбари Оятуллоҳ Али Ҳуманаий мамлакатига нисбатан қилинган ҳар қандай нотўғри ҳаракат минтақадан чиқадиган энергия заҳираларига таъсир этишини айтиб, Америка Қўшма Штатларини огоҳлантирган.***



Оятуллоҳ Ҳуманаий телевизион чиқишида АҚШ Эронга яқин Форс кўрфазидан ўтадиган нефть ташувчи кемаларининг хавфсизлигини таъминлай олмаслигини айтган. Шунингдек, у Эроннинг ядровий бомба яратишга интилаётгани хусусидаги даъволар мутлақо ёлғон, дея таъкидлаган.

— Америкаликлар қонни қайнатувчи тарғиботлари билан дунё жамоатчилиги қарашларига таъсир этишни истайди. Аммо улар бунинг уддасидан чиқа олганлари йўқ ва келажакда ҳам бунга эриша олмайдилар, — деди Эрон диний раҳбари.

### МОСКВАДА МУҲАРРИРЛАР АНЖУМАНИ

***Москвада дунёдаги мингдан ортиқ газета муҳаррирлари ва масъул котиблари иштирокидаги халқаро анжуман ўз ишини бошлади.***

Жаҳон газеталари ассоциацияси анжуманининг очилиш маросимида иштирок этган Владимир Путинни Россия матбуоти эркинлигини ривожлантиришга даъват этди.

Жаҳон газеталари ассоциацияси раҳбари Гэвин О` Райли Россиядаги матбуот эркинлиги ҳолати борасида чуқур хавотир билдирган. Уюшма президенти жаноб Путиндан Россия ҳукуматининг мамлакатда ўз-ўзини цензура қилиш муҳити ва қўрқув ҳиссини пайдо қилаётганликда айбланиш сабаблари, ҳукумат ва унга алоқадор саноат гуруҳларининг ОАВ, айниқса, телевизион каналлар устидан назоратни қўлларига олаётганликлари каби масалаларга ойдинлик киритишини сўраган.

Халқаро анжуманда ҳар йилги анъанага мувофиқ Жаҳон газеталар ассоциациясининг "Озодлик олтин қалами" мукофотини топшириш маросими ҳам ўтказилди. Жорий йилдаги нуфузли мукофотга танқидий мақолалари учун олти йиллик қамоқ жазосини ўтаган эронлик журналист Акбар Ганжий муносиб топилди.

### ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚДИ

***Ироқ президенти Жалол Талабоний Бағдоддаги Россия элчихонаси ходимларига ҳужум қилган ва уларни ўғирлаб кетганларни тутиб, қаттиқ жазолашга чақирди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси.***

— Россия бирор бир ҳарбий амалиётда иштирок этмаган ва ўз ҳарбийларини юртимизга юбормаган. Ҳар доим бу мамлакат ироқликлар билан дўстона алоқалар тарафдори бўлган, — дея таъкидлаган Талабоний.




Эслатиб ўтамиз, ўтган шанба россиялик дипломатлар ўтирган машинага Бағдоднинг Мансур туманида ҳужум қилинган, Россия элчихонасининг бир ходими ўлдирилган ва яна тўрт нафари номаълум томонга олиб кетилган эди. Ҳозирга қадар жангари гуруҳларнинг ҳеч бири жиноятни зиммасига олгани йўқ. Шунингдек, россиялик дипломатларни озод қилиш борасида ҳозирча талаб ҳам қўйилган эмас.

### ТОКИОДА САММИТ

***Кеча Токиода Япония ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо тўрт Марказий Осиё давлати — Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.***

Токиода бошланган икки кунлик форум "Марказий Осиё ва Япония мулоқоти" деб номланади. Муносабатлар шаклининг бундай кўриниши 2004 йил августида ўша пайтдаги Япония ташқи ишлар вазири Иорико Кавагутининг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб қилган сафари чоғида белгиланган эди.

Япония учун минтақадаги давлатлар, аввало, нефть ва газ хомашёси етказиб берувчи давлатлар сифатида аҳамиятлидир. Бинобарин, Форс кўрфази соҳилларидаги беқарорлик Япония энергетика хавфсизлигига путур етказиб қўйиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ Марказий Осиёдан нефть ва газни узоқ Японияга етказишда ҳам муаммолар мавжуд.

Токиода ўтган учрашув чоғида томонлар минтақадаги террорчилик ва наркотрафикка қарши кураш, нефть қазиб олиш ва уни етказишда хавфсизликни бахамжиҳат таъминлаш ҳамда минтақадаги қашшоқликка барҳам бериш учун кучларни бирлаштиришга келишиб олдилар.

**Озода АЛИМУҲАММЕДОВА тайёрлади**

## Нигоҳ

**Нефтни ёқиш пулни ёқиш билан баробардир.**
Д. Менделеев

# УРАН ЗАМОНИ БОШЛАНДИ



Дунёда бир неча йиллардан сўнг нефть, газ ва кўмир тугайди. Шунда инсоният тараққиётини муқобил манбалар, жумладан, атом энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди!

Сайёрамизнинг қарийб 2 миллиард аҳолиси замонавий энергетика хизматларидан фойдалана олмайди. Энергия мавжуд ҳудудларда ҳам ундан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу бир жиҳатдан табиий ресурснинг янги манбаларини қидириб топишни тақозо этади, аммо бу ҳозирга келиб бениҳоя катта иқтисодий ва сиёсий масала ҳисобланади. Шуниси ажабланарлики, атом мағзига яширинган энергияни инсон ўз измига бўйсундирар экан, нафақат тинчлик йўлида, балки ҳарбий соҳада, яъни ёвузлик учун ҳам ишлатилиш хавфи мавжуд.

### Буюк юнонлар хатоси

Бутун борлиқ энг майда заррачалардан ташкил топганлиги тарихда исботланган. Лекин қадимда юнон олимлари майданинг ҳам майдаси бўлган сўнгги зарра мавжуд, у бўлинмайди, деб тасаввур этишган. Улар бу заррани атом — atomos — бўлинмас, деб атадилар. XX асрнинг бошларига қадар ҳатто физик олимлар ҳам юнонларнинг гапига ишониб юраверишди. Бироқ кутилмаганда атомнинг ўзи ҳам яна майда заррачалар: электрон, нейтрон, ядро сингари бўлакчалардан иборатлиги маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, АТОМ замони бошланди!

**600-1000 МВТ қувватга эга бўлган битта атом электростанцияси қурилиши лойиҳа баҳоси — 1,5 миллиард доллар.**

Тарихга назар ташласак, дунёда илк атом электр станцияси (5МВт) бундан ярим аср муқаддам — 1954 йилда собиқ Иттифоқ ҳудудида ишга туширилди. 90-йиллар бошига келиб дунёнинг 27 мамлакатида 430 дан ортиқ ядро реакторлари ишлар эди. Уларнинг умумий қуввати 340 ГВт бўлган.

Айни пайтда энергия ҳажмини оширмасдан туриб, иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслиги тобора аёнлашмоқда. Бу борада Эрон масаласи МАГАТЭ эътиборидаги муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

"Ҳақиқий муаммо одамнинг юраги ва тафаккурида жойлашган. Бу физикага оид бўлмаган, лекин ахлоқий, маънавий муаммодир. Одамнинг ичидаги ёвузликни ҳайдаб чиқаришдан кўра, плутоний таркибини ўзгартириш осонроқдир. Бизни хавотирга соладигани — атом бомбасининг портлаши эмас, одам юрагидаги ёвузликнинг кучидир". (Альберт Эйнштейн)

### Энг муносиб ечим

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Эрондаги мавжуд барча уранни бойитиш корхоналари фаолиятини буткул тўхтатишга ундаган. БМТ атом энергияси ташкилоти Эрон ҳамкорликдан бош тортгудек бўлса, унинг масаласини Хавфсизлик Кенгашига ошириш-оширмасликни кўриб чиқади. Эрон томонига кўра, мамлакат "ядровий қурол-яроғларни тарқатмаслик" битими доирасида ядровий ёқилғи ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш ҳуқуқига эга. Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадийнажотнинг билдиришича, уранни газга айлантириш фаолиятини янгидан бошлаш билан мамлакати ҳеч қандай ноқонуний ишга қўл урмаган.

Энергия ишлаб чиқариш ва истеъмоли бўйича дунёда 1-ўринда турувчи Америка кейинги 10-15 йил давомида энергия муаммосини ҳал этишни Яқин ва Ўрта Шарқ углеводород ресурсларини қўлга киритиш эвазига амалга оширмоқчи. Аммо мазкур минтақа давлатлари океан ортидан ташриф буюражак меҳмонларни қўлларини кўксига қўйиб кутиб олмасликлари ҳақиқатга яқинроқ.

Хитой ҳам атом энергостанциялари ҳиссасини мунтазам ошириб бораётган давлатлардан. Маълумотларга кўра, ядро энергетикасини ривожлантириб бориш дастурида 2020 йилга қадар барча станциялар қувватини етти баравар — 40000 МВт гача ошириш кўзда тутилган. Ҳар бири қарийб 1,5 млрд. доллар бўлган 30 га яқин янги ядро реакторлари қуриш мўлжалланган. Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб станциялар қурилиши ҳам ошади. Эслатиб ўтамиз, 2004 йил сентябрь ойида Америка компанияларига Хитойда АЭСни лойиҳалаштириш ва қуришга ҳалал бераётган икки давлат ўртасидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳам очиқ айтилган эди.

Ҳиндистон ва Индонезия ҳам яқин 25 йил ичида атом энергетикаси қувватини 5-10 баравар оширишга интилмоқда. Ядро энергетикаси энергия ишлаб чиқаришнинг энг табиий тури ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур бойликка эҳтиёж ва талаб йилдан йилга ошиб бораётгани бежиз эмас. Бошқача айтганда, ядро энергетикаси энг самарадор манба саналади. Негаки, унда бошқа барча ёнилғи турларига нисбатан энергияга тўйинтирилганлик даражаси юқори. Турли башоратларга кўра, 2050 йилга бориб дунё энергия истеъмоли 15 дан 25 млрд. тоннага етади. Бу миқдордаги ноядровий энергияни сарфлаш табиий ресурсларнинг сезиларли даражада камайиши ва иқлим исишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли яқин ярим аср мобайнида ядро энергетикаси бу борада энг муносиб ечим бўлиши мумкин. XXI асрнинг биринчи ярмида дунё кун тартиби бутун инсоният учун энергетика муаммоси қай тариқа ҳал қилиниши билан белгиланади. Углеводородлар асосига қурилган энергетика яқин 10 йил давомида тугаши кузатилмоқда. Янги манбалар очилиши тобора камайиб бораётгани соҳа мутахассисларининг хавотирига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, яқин 30-50 йил ичида углеводород энергияси ўрнини ядро энергиясига дахли бўлмаган бошқа муқобил турлар қоплай олмайди. Агар ядро энергетикаси тезликда ривожланмаса, у ҳолда 10 йиллардан сўнг дунё энергетик етишмовчилик домида қолади.

Буни ҳал қилиш учун инсоният қаршисида икки йўл бор: биз ё энергия истеъмоли ва энергия самарадорлигининг янги даражасига чиқишимиз лозим ёки энергия истеъмолини тобора тежаш йўлига ўтишимиз керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам энергия муаммоси оқибати ўлароқ, жаҳонда ресурслар учун якуни йўқ курашлар бошланади.

**Беҳбуд БОТИРОВ**

***● Муқобил энергия манбалари йўналишида Тошкентдаги "ФОТОН" корхонасида ҳам диққатга молик ишлар қилинмоқда. Муҳандислар қуёш нурларини электр энергиясига айлантирадиган турли қувватдаги мосламаларни ишлаб чиқаришмоқда. Бу нафақат Ўзбекистон учун балки қуёш йил 12 ой кўриниб турадиган жуда кўп мамлакатлар ҳудудида асқотиши турган гап.***

***● Дарвоқе, майда зарралар энергиясини юзага чиқариш бобида физиканинг янги йўналиши — нанотехнологияларига катта умид билан қаралмоқда. Нима учун деб сўрарсиз? Тасаввур қилинг: атом бомбаси портлаган пайтдаги энергия тандирдаги олов тафтидан неча баравар кучли? Худди шундай нано зарралар ҳаракатида яширинган қувват атом қуролидан шу қадар кучлидир!***

***● Уран 235 нинг 90 фоизли критик массасида занжир реакцияси бошланиши учун содда қилиб айтганда, атом портлаши юз бериши учун 50кг уран керак. Худди шу мақсадда плутоний ишлатилса, 10 кг етарли бўлади. Лекин уни қандай портлатиш махфий сирдир.***

## Бугун қандай кун?

**7 июнь.** Бу кунда жаҳон тарихида қуйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:

**1498 йил**. Христофор Колумб буюк географик кашфиётлар йўлида саёҳатга чиқди.

**1502 йил.** Шу кунгача амалда бўлиб келаётган Григориан календари ихтирочиси Рим папаси Григорий XIII туғилди.

**1520 йил.** Франция қироли Франсуа I Англия қироли Генрих VIII ни Кале шаҳрида тантанали қабул қилди. Уч ҳафта давом этган зиёфатлар учун Франциянинг 10 йиллик ғазнаси сарфланди.

**1692 йил.** Кучли зилзила Ямайка пойтахти Порт-Роялни ер билан яксон қилди.

**1727 йил.** 11 ёшли рус императори Пётр II малика Марияга уйланди.

**1843 йил.** АҚШдаги биринчи болалар боғчасини очган Сюзан Блоу дунёга келди.

**1862 йил.** Немис физиги, "Нобель" мукофоти соҳиби Филипп Ленард туғилди.

**1868 йил.** Дунёга машҳур макинтош плаши ихтирочиси Чарлз Макинтош дунёга келди.

**1893 йил.** Жанубий Африка. Махатма Ганди фақат оқ танли кишиларга мўлжалланган трамвайдан ҳайдаб туширилди.

**1903 йил.** Француз олими Кюри янги кимёвий модда — полоний кашф этилганини маълум қилди.

**1909 йил.** 81 ёшида "Оскар" мукофотини қўлга киритган америкалик актриса Жессика Тенди таваллуд топди.

**1911 йил.** Машҳур "Harley Davidson" мотоцикли яратувчиси Брукс Стивенс туғилди.

**1919 йил.** Нью-Йоркда илк марта ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тест синови ўтказилди.

**1939 йил.** Германия Эстония ва Латвия билан ҳужум қилмаслик тўғрисидаги битимни имзолади.

**1998 йил.** Англияда дунёдаги энг катта оркестр (2212 чолғучи) ижросида концерт бўлиб ўтди.

**2001 йил.** Сайёрамизнинг энг кекса аёли Мари Бремон 115 ёшда вафот этди.

**2003 йил.** Ироқда Намруд хазинаси топилди.

## Йўқлов

***Таниқли адиб Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асарини жуда кўпчилик ўқиган. Ўша асарда бир образ бор. У Жалил... Бош қаҳрамон Асабдекнинг қалин дўсти. Дўст бўлгандаям, аяб ўтирмайдиган дўсти. Гарчанд икки дунё кишиси бўлса-да, Асадбекдай одам Жалилдан ҳайиқади, унинг сўзларини эшитади...***

***Бу асардаги ўша образнинг хатти-ҳаракатини, ҳар бир сўзини ўқиганимдан кейин "Оббо, Абдужалил ака" деворган пайтим кўп бўлган. Бунинг сабаби бор. Ўзбекистон радиосида худди Жалилнинг ўзига ўхшаган Абдужалил Зокиров деган акамиз яқиндагина ишлаб юрар эди. Кейин билсам, Абдужалил ака билан Тоҳир Малик ҳам яқин дўст экан. Шунинг учун Тоҳир акага Жалил образини тасвирлаш унчалик қийин кечмаган бўлса керак. Чунки Абдужалил акадаги кўп фазилат асарга шундайлигича кўчгану қўйган. Лекин биз билган Абдужалил аканинг Асадбекка ўхшаган дўсти йўқ бўлиши мумкин...***

# РАДИОДА ШУНДАЙ ОДАМ БОР ЭДИ...

Умр оққан дарёдай ўтиб кетаверар экан. Бугун ҳазиллашиб юрган, қувончингга шерик, қайғули кунингда ҳамдард ажойиб яқинларинг бўлади-ю, бир кунда йўқотиб қўйганингни билмай қоларкансан.

Абдужалил акани бу фоний дунёдан кўз юмганини эшитган куни радиодагилар кўпчилиги анча маҳал ўзига келолмай қолганини кўрганман. Чунки Абдужалил ака барчамизнинг яқинимиз, сирдошимиз, юракдан гаплашадиган, ҳадди сиғиб баъзан қаттиқроқ ҳазиллашадиган қадрдонимиз эди.

Ўзбекистон радиоси ўзига хос катта бир даргоҳ. Бу даргоҳда не-не ижодкорлар меҳнат қилишмаган, халқ назарига тушмаган. Қолаверса, шу ердаги қалам ҳақидан тирикчилигини ўтказиб, фарзандлар ўстирмаган дейсиз. Раҳматли устозим Шуҳрат Қосимовнинг "бу улуғ жой, тоши оғир" деган гапларини кўп эслаймиз.

Абдужалил ака салкам 30 йиллик ҳаётини шу даргоҳда ўтказдилар. Ёшлар учун кўплаб эшиттиришлар тайёрлади. Ҳар бир ёш ижодкорни ёнига олар, унга яхши журналист бўлиши учун меҳнат ва яна меҳнат қилиш кераклигини, тўғри сўз ва ҳалол бўлиши зарурлигини уқтирарди.

"Оқшом тўлқинларида" дастури машҳур бўлган 80 — йиллар деярли ҳар куни эртасига Абдужалил ака ё телефон қилар, ё бўлмаса кўчада кўриб қолса, тўхтатиб: "Эшитдим кечагиси яхши, лекин ўтган якшанбадагиси кўнглимдагидек чиқмади", деб дангал айтиб қўя қоларди. Бошқаларни билмадиму, шахсан мен акамдан танқид эшитишни яхши кўрардим. Самимий, беғараз, юракдан чиққан танқиди ёқарди. Кўпчилигимиз Абдужалил акани тушуниб, унга ўрганиб қолгандик.

У энг арзон "папирос" чекарди. Баъзан тутатиб турганини кўрганимда, "Ака, шуни ташлашни иложи йўқми?" деб савол берган кунларим кўп бўлган.

Ўшанда хотирамда қолган бир воқеа: туш пайти эди, ака хуноброқ ҳолда тутатаяпти.

— Абдужалил ака, ташланг шуни, сал семирармидингиз.

— Иложи бўлмаяпти, ука.

— Кайфият йўққа ўхшайди.

— Афсус, биз қурган "Ёшлик"даги иморатлар қулайдиганга ўхшайди.

— Нега?

— Бир эмас, 3 нафари телевизорга ўтмоқчи эмиш. У ерда пулни кўп топаркан. Ҳа, нима ҳам дердик?

— Шунга ҳам сиқиласизми? Кўп пул топса, бақувват бўлади. Сизга ҳам устоз деб томизиб туриши мумкин. Бундан ташқари, ҳар куни экранга чиқаверса, машҳур бўлиб кетади.

— Майли машҳур бўлсин, лекин ҳалол топсин-да, ишқилиб.

Суҳбатимиз шу ерда тугади. Сигарет тутунини бурқситиб радионинг кираверишида кўзойнагини тўғрилаган ҳолда турган Абдужалил ака билан хайрлашдим. Эгнида сал каттароқ кўйлак... Оёғида ёз бўлса-да, кузги туфли...

Хонага кириб узоқ ўйландим. Ҳаётнинг кимга қандай марҳамат қилишини ўзимча кўз олдимга келтирдим. Айрим яхшиликнинг кўчасига кирмайдиганлар қандай яшаяпти?

Абдужалил акадек ўта ҳалол, хокисор одамлар-чи? Бу ерда ҳам ҳаётнинг ўзига хос синови бўлса керак. Аслида синовлар ҳам ҳар хил бўларкан.

Абдужалил ака бир яхшиликка ўн яхшилик қайтаришга тайёр эди. Хаста ўғлини даволатмоқ илинжида Москвага олиб бордилар. Мен ўша ердаги яқин дўстим Отабекка телефон қилиб, Абдужалил акага ёрдам беришини сўраган эдим. Отабек ҳам қўлидан келгунча кўмаклашиб, оғир пайтда ёнида турибди. Ўғлидан айрилган бўлса-да, ҳар доим кўрганида: "Укажон, ўша иш учун раҳмат", деган сўзни айтиб такрорлашни қўймасди.



Фарзанд доғи, турмуш ташвишлари, бу ҳаётдаги ҳар бир ноҳақликни ўзига олавериш акамизни барвақт ҳаётдан олиб кетди. Ушбу сатрларни Хотира куни баҳонасида ёзаяпман-у, шундай одамларни нега тириклигида қадрлай олмадик, деган саволларни қайта-қайта ўзимга бераман.

Афсус, энди кеч. Бу гаплардан не фойда дейман-у, ҳаётда шундай тўғри сўз, ҳалол одамлар билан ишлаш, ўзи йўқ бўлса-да, "ўлганида ҳам тирик" инсонлар билан учрашиш бахти насиб этганига шукур қилиб, ўзимни овутаман. Аслида олганда кеч бўлгач, кўпчилигимиз ўзимизни ана шундай таскин берувчи сўзлар билан овутамиз.

**Анвар АБДУВАЛИЕВ**

# БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ БУРЧ

***Мамлакатимизда беназир табиатимизни авайлаб-асраш ва бойитиб боришга қаратилган амалий ишлар кўлами анча кенглиги ҳеч кимга сир эмас бугун. Айниқса, кейинги йиллар ичида атроф-муҳит муҳофазасига, табиий бойликларимизни авайлаб-асрашга қаратилган бир қатор қонунлар ва кўрсатмаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фикримизнинг далилидир.***

***Шу қаторда, бу муҳим муаммолар ечимига кўмаклашувчи бир қатор жамоатчилик ташкилотлари ҳам фаолият юрита бошладики, улардан асосий кўпчилигининг бу ўриндаги хизматлари муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Фарғона шаҳрида қатор йиллардан буён фаолият юритиб келаётган "Экологик мусаффо Фарғона учун" нодавлат нотижорат ассоциацияси ана шундай ташкилотлардан бири ҳисобланади. У атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, янги авлод онгида она табиатга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, жиддий экологик талафотларнинг олдини олишга кўмаклашиш, аҳоли соғлиғини асраш ҳамда табиат муҳофазаси қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш сингари кўплаб вазифаларни ўз зиммасига олган. Ассоциация республикамиз пойтахтида фаолият олиб бораётган бир қатор йирик халқаро фонд ва уюшмалар, шунингдек, бевосита Россия, Қирғизистон ва бошқа айрим МДҲ давлатларининг ННТлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Фарғона вилоятининг ўзида эса "Тоза сув", "Ёрдон сув", "Зилол", "Гулшан" ва "Орзу" каби экологик ташкилотлар билан узвий боғланган.

Тўғри, Фарғона Давлат политехника институтининг чекка бир биносида, камтарона жиҳозланган мўъжазгина бир хонасида фаолият юритаётган бу ташкилот ҳақида ҳали кўпчилик эшитганича йўқ. Бироқ кичкинагина мана шу жамоанинг иш кўлами, айниқса, маҳаллий ҳудудларда сув ва ҳаво мусаффолигини, атроф-муҳит тозалигини таъминлашдаги, ернинг мелиоратив ва бошқа табиий хусусиятларини сақлашдаги, кишиларимизни табиатга садоқат руҳида тарбиялашдаги амалий ишлари озмунча эмас.

Вилоятдаги экологик ҳолатдан ҳамиша хабардор ассоциация аъзолари ер ва сув таркиби таҳлилларини мунтазам олиб боришади, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, лицей ва коллежларда бўлишади, она-табиат мавзусида қизиқарли ва мазмунли тадбирлар ўтказишади.

Шугина эмас. Ассоциация янги қурилаётган йирик иншоотлар учун ўша жойнинг экологик муҳофазасини таъминлаш бўйича лойиҳалар ҳам ишлаб беради. Вилоят замини ва табиати салоҳиятини мустаҳкамлаш, эл соғлиғини асрашга қаратилган янги-янги сув ҳавзалари ва истироҳат жойларини барпо этиш дастурида фаол қатнашади.

— Тан олиш керак, вилоятимизда ҳали-ҳануз ичимлик суви танқислиги ва унинг талаб даражасида софлигини таъминлашга доир муаммолар жиддийлигича қолмоқда. Дарахтлар ва ўсимликларимиз, экинларимиз касалланиши, ернинг унумдорлик даражасини кўтаришга доир масалаларда ҳам аҳвол худди шундай, — дейди биз билан суҳбатда "Экологик мусаффо Фарғона учун" ассоциацияси президенти Иброҳимжон Домуллажонов. — Бироқ бу муаммолар ечими ўз қўлимизда. Табиат муҳофазаси барча учун таалluқли бўлган муқаддас бурчдир.

Ҳа, она табиатни севиш, ардоқлаш, авайлаб-асраш, унинг умри ва файзу тароватини бойитиб боришдан улуғроқ иш борми! Ахир, Аллоҳ инъом этган, шу улуғ неъмат, шу бебаҳо бойлик боис ёруғ олам нашидасидан насибдормиз. Туғилиш, яшаш ва яратиш, келажак наслларимиз барқарорлиги ҳамда бахту саодатни таъминлаш имконига эгадирмиз.

Бироқ биздан муқаддас она-табиатимиз софлигига лоқайдлик ёхуд совуқ муносабатлар, турли офатлардан емирилиб бораётган заминимизга, тобора қуриб ёки ифлосланиб, заҳарланиб бораётган дарёлару анҳорларимизга, дарахтлари шафқатсиз кесилаётган ўрмонларимизу оёқости бўлаётган беназир наботот оламига дуч келиб қолгудек бўлсак, юрагимиз беихтиёр зирқирайди. Бир жигарпорамизнинг оғир жароҳатдан нола чекаётганидек қабул қиламиз бу ҳолни. Биз ҳам унга қўшилишиб изтироб ва азият чекамиз, оғир оғриқ ҳис этамиз кўксимизда. Инсон ва Табиат эгизлигининг, қондош ва қисматдошлигининг кўзга кўринмас, бироқ мангу барқарор уйғунлиги балки шу жойдадир?

**С ҚАҲҲОРОВ, "Hurriyat" мухбири**

## Қонунни биласизми?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

### II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

***6-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми***

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

***7-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқлари***

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонундан**

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Кузатув

# ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

**уни нодавлат ТВ ва радиолар ҳам эшиттирса бўлмайдими?**

Иккинчи жаҳон урушидан инсониятга ядро бомбаси "мерос" қолди. Дунёда ундан кучлироқ қирғин қуроли йўқ.

Лекин одамзод учун бугунги мафкуравий таҳдидлар ҳам ҳазилакам қутқу ҳисобланмайди. Шунинг учун "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли" деган иқрор мавжуд.

Мафкуравий таҳдидчиларнинг энг хавфли усули — "сопини ўзидан чиқариш"га уринишларидир. Яъни тарғибот йўлида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган ўзимизнинг болалардан фойдаланишади. Ёшларимиз ўзлари билмаган ҳолда уларнинг "ноғораси"га ўйнайди.

Куй ва қўшиқ кучли тарғибот қуролларидан ҳисобланади.

Мусиқанинг кучидан инсоният тарихида ҳам ёвуз ғоя ижодкорлари анча "унумли" фойдаланишган. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши сабабчиси "Адольф Гитлер ўзининг энг ёвуз ва айни дамда соғлом ақл ҳеч қабул қилмайдиган энг абсурд ғояларини халққа эълон қилар экан, ўз маърузасини махсус танланган маршлар, яъни куй жўрлигида амалга оширган. Бунда куйнинг инсон руҳиятига таъсири кучли бўлиб, у ақлни жиловлаб олгани учун инсонлар фақат ҳиссиётлар таъсирида иш кўрган, Гитлернинг руҳий асирига айланган эканлар". (Фарҳод Алимов: "Куйга сиғмаган фикрлар", "Jannatmakon" журнали, 18-бет, 2005 йил, июнь).

Куй ва мусиқанинг инсон руҳиятига таъсири хусусида сўз бораркан, бугунги қўшиқларимиз ёшлар тарбиясида салбий ўрин тутаётганини эътироф этмаслик мумкин эмас. Биринчидан, бугунги санъат орқали фаҳш ошкора тарзда тарғиб қилинаяпти. Иккинчидан, миллийлигимизга мутлақо мос келмайдиган Ғарб маданияти ёшларимиз онгига сингдирилмоқда.

### Кийиниш ҳам... мафкура

Инсоннинг ташқи кўриниши, кийиниш маданиятига ҳар бир жамиятда жиддий эътибор қаратилади.

Масалан, кийим орқали ўзи эътиқод қиладиган динни, оила аъзоларини, ҳар хил қарашларни реклама қилгани, шу билан бирга спортчи ва мухлислар кийиниш маданиятига салбий таъсир кўрсатгани учун футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионатида ўйин вақтида устки кийимини ечган ўйинчига сариқ карточка, агар аввал ҳам огоҳлантирилган бўлса, ўйиндан четлаштириш қоидаси кучга кирди.

Албатта, спорт соҳасидаги қатъий қоидалар билан маданият ходимлари, ижодкорлари фаолияти баҳоланмайди. Санъатда қизил карточка кўрсатадиган одам йўқ.

Балки шунинг учундир, ўзини юлдуз ҳисоблайдиган бир гуруҳ ёш хонандалар концертларда мухлислари қалбини истеъдоди, бетакрор овози, юксак маънавияти билан эмас, балки ярим-яланғоч қизларнинг рақси, раққосаларнинг белларидан тепада фақатгина кўкрак либоси кийиб чиқиши билан забт этишга интилишмоқда...

Ваҳоланки, фақат биздагина эмас, балки қадимги Римда ҳам ички кийимда ҳатто кўчада юриш тақиқланган.

Хонандалар — миллий санъат кўзгуси. Ёшлар уларга қараб кийинишади. Йигит-қизлар ўзлари ёқтирган ашулачиларга тақлид қилишади.

Бундан ташқари, кийим ҳам — мафкура. Шунинг учун хонандаларимиз миллий маънавиятимизга, ўзлигимизга мос равишда замонавий кийимлар кийишса, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қилган бўлар эди.

Қўшиқларга ишланаётган клипларнинг маънавий жиҳати яна ҳам кўпроқ ташвишлантиради.

Аслида ўзбекча, арабча, туркча, эронча ҳаракатлар бир-бирига қоришиб кетган тана қимирлатишни, томошабин кўзига тик қарашни асло рақс деб бўлмайди. Шундай бўлса-да, ёшларни рақснинг савияси эмас, балки раққосанинг очиқ-сочиқлиги жалб этади.

### Ардоқли раққосамизнинг армони

Лола Аҳмедова ("Омон-омон"), Ирода Дилроз ("Ёр бўлдим"), Мансур Усмонов ("Соғиниб-соғиниб"), Гўзал Шайдо ("Танлаганим сен..."), Одил Тўлаганов ("Ягонамсан"), Баҳром Бек ("Юрак") деганлари очиқликни ўзбекча қўшиқларга қачонлардир мусулмонларни тоатдан чалғитган омил — арабча рақс тушиш орқали ҳам тарғиб қилса бўлади деб ҳисоблашади.

"Се Танҳо" қизлари эса Раксана ("Шунчаки"), Озода Нурсаидова ("Шекасте"), Шоҳсанам ("Билмагайсан..."), Ясмина ("О, Лалли"), Анора ("Нагуфти"), Зиёда ("Тинч кўй") ва бошқа хонандалар ижодини томоша қилгач, фақат қизлар эмас, ўғил болалар ҳам киндикларини очиб юриши керак деган фикрга боради. Гуруҳнинг "Ты далеко" қўшиғи клипидаги раққосларнинг киндигини ҳаммага кўз-кўз қилганидан бошлари осмонда.

Уларни тўғри йўлга солувчилар, албатта, шу соҳада йиллар давомида ижод қилган халқ артистларидир. Қайсидир маънода "бебош" раққосаларни тергашга, "унақа рақс тушманглар" дейишга тўла ҳаққи бор, дунёнинг деярли барча давлатларига ўзбек рақсини кўз-кўз қилган, рақс оламининг ардоғимиздаги маликаларидан бирининг ёш ҳамкасблари ҳақидаги фикрига бир кўз югуртирсангиз, уларга бугун ардоқли раққосамизнинг ҳам ҳаваси келаётганини пайқаб қоласиз: "Қизлар рақсга тушишади. Бизнинг давримизда бундай имконият берилмаганди. Маза қилиб арабча рақсга тушолмаганмиз. Бу рақсда асосан белдан пастки қисм ҳаракатда бўлади. Мен барча ҳолларни қўллардим, лекин монтаж ишларида белдан пастки қисм олиб ташланарди. Ҳозир эса истаган ҳолатда арабча рақс тушиш мумкин" ("Ёш кўриниш бу — рақс!". ""Даракчи газетаси, 2006 йил, 2 февраль, 25-бет)...

### Бош қўшиғимизга муносабат шуми?

Нима учун тингловчиларнинг дидини ўлдирадиган, тарбиясига салбий таъсир қиладиган қўшиқлар ҳар хил нодавлат радио ва техникаларда мунтазам узатилмоқда? Хусусийми, хусусий эмасми — оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси ёшларимизни тўғри тарбиялаш йўлида хизмат қилишдан иборат бўлиши керак эмасми?

Қўшиққа бўлган муносабатлари орқали маънавий қадриятларимизни эмас, балки қонунларимизни ҳам топтаётган оммавий ахборот воситалари бор. Фаолиятини бошлагандан буён баъзи хусусий телеканаллар, кабель каналлари, радиоканалларнинг ҳаммаси ҳам мамлакатимизнинг бош қўшиғи — Давлат мадҳиясини бир маротаба бўлсин эфирга узатишган, деб ўйлайсизми? "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида "Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; ... ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан..." ижро этилиши айтилган. Балки қонун қабул қилинган пайтда юртимизда фақат давлат телерадиоканаллари фаолият юритгани учун моддада "хусусий" сўзининг йўқлиги нодавлат телерадиоканалларга баҳона бўлаётгандир.

Унда нима учун кабель ва нодавлат телеканалларга уланганлар 2006 йилни фақат Россия ва бошқа хорижий давлатларнинг мадҳияси билан кутиб олишди? Дунёнинг қайси каналини узатишларидан қатъий назар шаҳарларимиздаги нодавлат телеканаллар, узлуксиз ишлаётган кабель телевидениелари, радиоканаллар шартли равишда бир кунда икки маротаба (эфирга халақит бермаган ҳолда, албатта) — кеч соат 24 ва тонги 6 да Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи қўшиқ — Давлат Мадҳиясини эфирга узатишлари керакмасмикин? Эҳтимол, шу баҳона томошабинларимиз дунё телеканалларини ўз ватандошларининг хизмати эвазига кўраётганликларини, кун бўйи хориж мусиқаларини эшитаётган тингловчилар дунёда ўзбекча қўшиқлар ҳам борлигини, Ўзбекистонда яшаётганини ҳис қилармиди?!

### Овлоқ кўчада куйлаган хонанда

Телевидение — миллионлаб фуқароларнинг назари тушадиган минбар. Экран қаршисида хонандаларнинг ярим-яланғоч тарздаги чиқишларини, клиплардаги ўзлигимизга ёт кадрларни нуроний отахон ва онахонларимиз, энди мустақил ҳаётга кириб келаётган қизларимиз, йигитлар томоша қилади. Бачкана, фаҳш ошкора тарғиб қилинаётган клиплар, табиийки, иймон-эътиқодли кишиларни асабийлаштиради.

Бир чет эл киносида ота-бола немисларга асир тушиб қолади. Шунда ота урушнинг бутун даҳшати ва ёвузлигини фарзандига сездирмай, бу ерда ўйин бўлаяпти, деб ўғлига моҳирона тарзда тушунтиради. То уруш тугаб озодликка чиққунларича ҳам бола чин ҳақиқатни билмайди.

Бизда ҳам ҳаётдаги барча ёмон нарсалар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасин деб беркитилади. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзбек аёллари боласига отанг ўқишга, сенга кийим олиб келиш учун Москвага кетган деб жигарбандларига аслида нима бўлаётганини ҳам ошкор қилишмаган. Назаримда, бизнинг замондошларимиз ҳаётда нима бўлса, ҳаммасини очиқча кўрсатиш тарафдори. Уларда агар озгина ор-номус, ҳаё бўлганида "Фотима ва Зуҳра" кинофильмини реклама қилувчи бир йўла иккита ("Ҳаёт айт" ва "Қайт") қўшиғида учта барзангининг бир ўзбек қизини мажбурлаб, номусига тегаётганини болаларимизга кўрсатишдан иймаган бўлардилар.

Кинофильм Ўлмас Умарбековнинг "Фотима ва Зуҳра" романи асосида яратилган. Лекин асарни ўқиганлар бунчалик "очиқ"ликни кўрмайди.

Ўзбеклар гўшангага, ётоқхонасига бошқалар киришини номус деб билишади. Бегоналар у ерга киритилмайди. Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" асари қаҳрамони — шоҳ Искандарга устозининг тўрт насиҳатидан бири ҳам ҳарамига бегоналарни киритмаслик эди. Райҳона эса ("Ёдингдами?...") тўшакда қўшиқ куйлайди.

Согдиана (Оксана Нечитайло)нинг "Сен келма" ашуласи клипини кўриб худди АҚШнинг ташландиқ, овлоқ кўчаларига бориб қолгандай бўласиз. Аслида чет элда ахлатхоналар учун мўлжалланган ернинг спорт майдончасига айлантирилган жойида қўшиқ куйлашга бу юртдошимизни нима мажбур қилган экан? Наҳотки, бепоён далаларимиз, пурвиқор тоғларимиз, жаннатмакон юртимизнинг гўзал манзаралари шу оддийгина қўшиққа ишланган "кино"га сиғмаган бўлса?

Биз ҳар қандай шароитда ҳам маънавий масъулиятни унутмаслигимиз, қизларимиз юзларидан шарм-ҳаё пардасининг кўтарилишига хизмат қилиши мумкин бўлган клипларни яратишдан мутлақо тийилишимиз керак.

### Хулоса

Замонавий эстрада, унинг халқимиз учун янги бўлган барча тури ривожига ҳеч ким қарши эмас. Санъаткорларимиз худди мақомдек бу йўналиш орқали ҳам дунёни лол қолдирсин. Лекин бу ривожланиш, лол қолдириш фаҳш ошкора тарзда тарғиб қилинаётган клиплар, миллийлигимизга мутлақо мос келмайдиган Ғарб маданиятини ёшларимиз онгига сингдириш эвазига бўлмаслиги керак.

**Оллоёр БОБОНОВ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими**

Воқеа

# СИГИРНИНГ ПУЛИ



**ёхуд ака-сингилнинг исловотхонадаги тасодифий "учрашуви"**

Ихтиёр эрта тонгда "Чорвадор" хўжалиги мол бозорига бориб оиласини оғзини оқлаб турган говмиш сигирини нақд 350 минг сўмга сотди. Шанба куни бўлгани учунми, пулни олиб тезда уйига етиб боришни хаёлига ҳам келтирмади. Яхшилаб тахланган мингталик "купёра"ларни чўнтагига соларкан, энтикиб кетди. "Юз йилда бир от ўйин" кетдим оғайниларимни олдига". Ихтиёр дастлаб дўсти Ибратнинг уйига борди. Хайрият, Ибрат уйида экан. Дарҳол чойхонада чунгура гуручидан бирга бир палов қилиш режаси тузилди. Ибрат қўл телефонини олиб тезда "Медуза" хусусий фирмасига қарашли дорихонада ишлайдиган дўсти Жаъфарга сим қоқди.

— Жаъфар борамизми?

— Борамиз, Ибрат, фақат "қора қошлар"дан ташкиллаштирсанг бўлди, бу ёғи биздан.

— Яхши. Гап битта дўстим. Тиниқларини топиб қўяман. Шаҳарда ким кўп, "мама роза"лар кўп. Улар тиқилиб ётибди.

Ихтиёр "мама роза" деган иборага ҳайрон бўлиб бош чайқади:

— Ибрат, бу "мама роза" деганинг нима вазифани бажаради?

— Эй, лақматой шуни ҳам билмайсанми, қорнингни мешдай қилиб юрган экансан-да, пахтазорда раислик қилиб. "Мама роза"лар ҳожатбарор раисалар. Уларни жувонбоз деса ҳам бўлади. Ёки аксинча. Мен битта зўрини биламан. У ноқонуний турадиган аёлларни уйида сақлайди. Кейин ҳалиги чақалоқларни фарзандсиз одамларга яхши пулга сотиб юборади. Исми Моҳинамиди ёки Маржонами аниқ эсимда йўқ. Океан ортидан келган. Қочоқлардан. Мана, масалан Озода деган бир танишим чақалоғини 150 000 га сотиб юборди. Отаси аниқ бўлмаганидан кейин сотадида, ўртоқ. Етим боқиб нима қилади? Бу ҳам бизнес, барака топгур. Одам ўлдирмаса бўлди-да, оғайни.

Ибрат қора бозорда доллорфурушлик қиладиган жўраси Бобораҳимга хабар берди. Хуллас, ҳайдовчи ва оғайнилар "Нексия"га ўтириб, "Чилла қори" чойхонасига етиб келишди. Қирқ дақиқа деганда паловхонтўра тайёр бўлди. Улфатчилик авжга чиқди, суҳбат қизигандан қизиди. Лаганда палов қолмади. Қўл телефонлар бирин-кетин жиринглай бошлади. Ибратни кимдир безовта қила бошлади. Бундан у хурсанд эди:

— Қизлар бизни кутяпти, азизларим. Дастурхонга омин қилсак ҳам бўлади, — деди ўрнидан сакраб тураркан Ибрат.

— Ибрат, кечирасан, дўстим, мен "ундақанги" жойга боролмайман. Биласанми, бир ҳафтадан кейин катта қизимни турмушга бераман. Мен шунчаки, сигиримни яхши пулга сотганим учун сизларга палов қилиб бериш ниятида келган эдим бу ерга.

— Эй, қўй, шунақанги гапларингни. Паловни егандан кейин уни илондек "ҳазм" қилиши керак-да, оғайни. Шуни ҳам билмайсанми, аҳмоқ. Гапни кўпайтирма, юр кетдик, лаллайма, хафа қиламан.

Шундай қилиб оғайнилар "Нексия"га миниб "Бунёдкор" кўчасига етиб келишди. Кўп қаватли уй олдида тўхтаб олиб, Ибрат телефонида қўнғироқ қилди:

— Қизлар тайёр. Кетдик.

Ихтиёр иккинчи қаватга кўтарилиб, оғайнилари билан хонага кирди. Хоналар бўйлаб исириқнинг ҳиди анқир эди. Балконда уч нафар обдон бўянган жувон кўринди. Ўзини Мадина деб таништирган барваста ёқимсиз аёл Ибратнинг қўлидан йигирма минг сўм нақд санаб олди. Ва: "Булар "тоза"си яқинда олиб келганман. Қийнаб юрманглар тағин", деб огоҳлантирди. Йигитлар тўрт хонага бўлиниб кетишди. Ихтиёрни эса балконга жўнатишди. Эҳ, нима бўлса бўлгани дея уст бошини ечди. Пул солинган костюмини стул устига ташлаб, ўзига бириктирилган жувонни кута бошлади.

Қандай бўлар экан, қизлар ёш экан, мен учун уят бўлмасмикан деб қийналиб турган Ихтиёр не кўз билан кўрсаки, кутилмаганда унинг хонасига синглиси Моҳина кириб келса бўладими?

Ака-сингил бир-бирига тикилганича қотиб қолишди. Ихтиёрнинг синглиси Тожикистонга турмушга чиқиб, икки нафар фарзандини ташлаб, шаҳарга кўчиб келган эди. Ихтиёр синглиси Моҳинани бу аҳволда кўраман деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Вужуди муздек қарсиллаб кетди. Оқ чойшабни яланғоч танасига ташлаб олган Моҳина акасининг олдида қаерини яширишни билмай ҳанг-манг бўлиб қолди. Ихтиёр енгил кийимда хонадан ўқдек отилиб ташқарига югурди.

Ихтиёр уйига етиб келганда шом чўкиб, атроф қоронғулашиб қолганди. Турмуш ўртоғи Бибисора эрини кутиб олар экан унинг заъфарон юзига тикилиб қотиб қолди.

— Ҳа, дадаси, нима бўлди. Костюмингиз қани. Сигирни сотдингизми? Пули қани?

Ихтиёр бошини чангаллади. Пуллар "мама роза"да қолибди дея ички ишлар идорасига чопиб кетди.

**Турсунбек ТУРСУНЗОДА**




Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат

Фикр

***Опа-сингилларимиз эгнидаги ихчам, дид билан тикилган, товус тароватли атлас кўйлаклар кимга ёқмайди дейсиз? Қандай чиройли, бежирим кийимлар-а, тиккан чеварнинг қўли дард кўрмасин, дейсиз. Маълум бўладики, шундай чиройли кўйлакларнинг, халатларнинг ижодкори тикувчилик фабрикасининг тикувчилари эмас, уйининг, маҳалласининг чевари. Бу тикувчиларнинг ўз мижози, ўз довруғи бор. Бу чеварнинг қадрини байрам ёки тўй-ҳашам арафасида бир кийимлик ноёб матони қўлга олиб, чеварни турар жойини сўраб-суриштирганлар ва иши битиб, кўнгли хуш бўлиб қайтганлар жуда яхши билишади. Битта бежирим, кўнглига мос кўйлак тиктириш учун берган 10-15 минг сўм пуллари ҳам кўзларига кўринмайди. Хўш, нега энди қимматбаҳо матолардан тикилган дўконлардаги кўйлаклар, халатлар харидоргир эмас?***

# ҲАММА ҲАМ ТИКУВЧИ БЎЛАВЕРАДИМИ?

Демак, дўконлардагиси эҳтиёжни қондирмаётгандирки, кўпчилик шундай йўлни танлашяпти. Сифатсиз тикилган маҳсулотга кимнинг кўзи учиб турибди, дейсиза?

Тошкент шаҳридаги "Малика" трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси харидорлари тайёр кийим-бош билан таъминланмоқда. Бу жуда яхши. Улкан бир корхонада юзлаб чеварларнинг қўли-қўлига тегмайди. Дарвоқе, улар ҳам чевар-ку. Дўконларимиз пештахталарида шу бирлашмада тайёрланган либослар харидор кутиб турибди. Баъзиларининг нархи ҳам унчалик қиммат эмас.

Бунинг сабаби нимада? Нима учун давлат маблағи билан таъминлаб қўйилган фабрика, қўлидаги мутахассислиги бўйича ҳужжати бор бўлган тикувчи харидорлар талабини қондиролмайди?

Корхонада материални бичишдан бошлаб, то кийимни дазмоллаб сотувга чиқариб юборишгача бўлган иш жараёнида бир либос ўнлаб тикувчининг қўлидан ўтаркан. Яъни, иш конвейер усулида бажариларкан. Ёқа алоҳида тикилса, енг яна бошқасида, қайсидир цех кўкрак олди бўртмасини тикса, бошқаси этагини босади ва ҳоказо. Гапнинг қисқаси, бу ишларнинг ўзлари ҳам пештахтада чанг босиб ётган кийимни, хусусан, атлас кўйлакларни кўрганда "Буни мен тикканим йўқ" деб эътироз билдириши мумкин ва бунга ҳақли деб биламан. Бу кўйлак учун рағбат олувчи ҳам, танқид эшитувчи ҳам корхона. Корхонада эса юзлаб тикувчилар бор. Қанийди, кўйлакнинг бирор ерида "Бу кўйлакнинг чевари фалончихон фалончиева" деган ёзув бўлса. Нур устига аъло нур бўлар эди. Бундан ташқари иш ўзгарар эди, бошқача бўларди. Тўғриси, бир цехда бир турдаги маҳсулотлар тайёрланса, ўшанда ишчилар ҳам маҳоратларига қараб танланади: тажрибали чеварлар, уста тикувчилар — мураккаб цехларга (улар маҳсулот учун жавобгар), шогирдлар эса соддароқ кийимлар тикиладиган цехларга. Қолаверса, бу усулнинг иш юритишда яна бошқа аҳамияти ҳам бор, айтайлик, тажрибасизлар ўз малакаларини ошира бориб, уста чеварлар сафига қўшилишишга ҳаракат қиладилар.

Тўғри, бунинг учун яхши мутахассис кадрлар республикамизга жуда зарур деб биламан. Бизда эса ишлар бир қолипга тушиб қолган. Шогирдлар чок тикишдан нарига ўтишмайди. Мени кечирасизлар, устоз-шогирдлик номигагина. Кези келганда, шуни айтиш керакки, барча фабрикалар қошидаги тикувчилик, чеварлик курсларида назарий ўқитиш билан амалиётни бирга олиб бориш керак. Касб ўрганувчи ўқувчилар қийқим материаллардан болаларга кийимлар тиксалар, бу кўргазмада тасдиқланса, савдога қўйиш ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, тикувчилик корхоналарига ишга қабул қилиш конкурс асосида, синов йўли билан олиб борилса. Бу таклифларим юзасидан мутасадди ўртоқларнинг фикрларини билишни мен жуда-жуда хоҳлардим.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ**

Мулоҳаза

# РАҚҚОС

*Грузин йигитларининг қарсиллаган ноғорага ҳамоҳанг бўлиб шиддат билан рақсга тушганларини кўрганмисиз? Юрагида ўти бор ҳар қандай киши беихтиёр уларнинг ўйинларига қўшилиб кетади. Рақсдаги жўшқинлик ва кўтаринки кайфият бир зумда бутун вужудингизни чулғаб олади.*

*Маҳалламизда ўзбек йигитлари рақсининг устаси 70 ёшли Озод бува яшайди. Катта давраларда дўпписини устидан шойи белбоғини боғлаб олиб гурсиллаб қадам ташлаб муқом қилиб қолса, ҳар қандай навқирон ёшни доғда қолдиради.*

*Яқинда катта бир тўйда ёш-яланг йигитларни давра қилишиб ўйинга тушаётганликларини кўрдим. Тўғриси, уларни енгил-елпи ҳаракатларидан кўнглим бироз хижил тортди. Наҳотки, улар ўзбекона, йигитларга мос ўйинларни билишмасалар?*

*Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизни тиклаш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бу соҳада эришган ютуқларимиз ҳақида 15-20 йил аввал сўзлаш тугул ўйлашни хаёлимизга келтирмагандик.*

*Бироқ ўзбек йигитлари рақс санъатини ривожлантириш борасида ҳали талайгина қилиш керак бўлган юмушларимиз борга ўхшайди. Байрамларда, халқ сайилларида оммавий саҳналарда халқ ансамбллари иштирокидаги рақсларни ҳисобга олмаганда ўзбек йигитлар рақсини ҳеч қаерда кўрмаймиз.*

*Янглишмасам, қачонлардир Тошкент авиасозлар клуби раққос йигитлар ансамбли фаолият юритарди. Ҳозирги кунга келиб республикамиз миқёсида бирорта шу каби профессионал ансамблни билмаймиз. Ҳатто ўзбек йигитлар рақси ижрочиларидан бирорта хизмат кўрсатган артист борлигини яқин вақтлардан бери эслай олмаймиз.*

*Ўзбек эркаклар рақси Фарғона водийсида ўзига хос, Хоразмда яна ўзгача, Сурхон воҳасида эса соф миллий усулларга йўғрилиб кетган. "Андижон полка"сини, "Хоразм лазги"сини, Самарқанду Қашқадарёнинг "Бешқарсак"ини кўриб завқланмаган томошабин бўлмаса керак. Ана шу бебаҳо миллатимиз санъатини халқимиз ичидан йиғиб, юксак маданиятни қадрловчи элимизга тўлақонлилигича намойиш этсак бўлмайдими?*

*Йигитларнинг елкаларини елкаларига қўйиб бир тан бир жон бўлишиб рақс тушганларини гувоҳи бўлганмисиз? Бундай оммавий рақслар халқимизни бирлаштирмайдими? Айни пайтда Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, элимизнинг иттифоқчилиги, жипслиги муҳим долзарб муаммо эмасми?*

*Ўзбек эркаклар рақси ижрочилари ўртасида туман, вилоят ва республикада кўрик-танловлар ўтказилса, ОАВлари орқали ушбу танловлар кенг кўламда тарғибот-ташвиқот қилинса. Баҳор ёмғиридан сўнг потираб қўзиқоринлардай кун сайин кўпайиб бораётган ҳар турли лотореялар рекламасидан қулоқлари қоматга келиб, безор бўлган санъатсевар халқимиз ўзбек йигитлари рақсидан олам-олам қувонч олган бўлардилар. Зотан, мардона йигитларимизнинг шўх-шодон ўйинлари олам узра парвоз қилса ажабмас. Жаннатмакон Ўзбекистонимизни дунёга танитишда ўзбек йигитлари рақсининг имкониятлари чексиз.*

**Анваржон ҲАЛИМОВ**

Ибрат

# ПЕДАГОГ

Навоийлик Мавлуда опа Бозорова ўқитувчи касбига болалигидаёқ ўзгача ҳавас билан боқди. Ота-онаси ўқитувчи бўлганлиги боис, уларга эргашишни орзу қилди. Натижада бу қизиқиш ва касбга бўлган меҳр 1981 йилда Мавлуда опани Бухоро давлат педагогика билим юртига етаклади. 1984 йилда билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, 1986 йилда Навоий давлат педагогика институтининг "Бошланғич таълим методикаси" факультети талабаси бўлди.

У дастлабки фаолиятини Навбаҳор туманидаги Увайсий номли 3-ўрта мактабда ёшларга сабоқ беришдан бошлади.

Мавлуда опанинг педагогик фаолияти давомида ўз касбига бўлган меҳри, ғайрат-шижоати, касбининг нозик жиҳатларини тез илғай олиши, мураккаб томонларига эса бардош бера олиши ҳам ўқувчилар орасида, ҳам ўқитувчилар орасида юксак эҳтиромга сазовор бўлишига замин яратди.

Шу муносабат билан Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими тавсиясига биноан 1992 йилда Навоий вилоят халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Бошланғич таълим" бўлимида услубшунос вазифасида иш бошлади.

Бугунги кунга қадар Мавлуда опа Бозорованинг 40 дан ортиқ услубий тавсиялари, 10 дан ортиқ услубий тўплам ва рисолалари, 20 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари газета ва журналларда чоп этилган. Жумладан, "Эртаклар олами", "Халқ дурдоналари", "Достонларни ўрганамиз", "Халқ топишмоқларидан фойдаланиш", "Иқтисодни билишимиз шарт!", "Ўзлигингни унутма" каби ва бошқа бир қатор методик тўплам ва мақолалари ҳамда боғча тарбиячилари учун илғор педагогик технология бўйича машғулот ишланмалари, тарбиявий тадбирлари, байрам сценарийлари кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинади.



Суратда: Мавлуда Бозорова (ўнгда). Янги дарс олдидан

**Отабек АСЛОНОВ**

Ўзингни англаб ет! HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 855
Т: 3204
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.